

Халқ сўзи

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 11 апрель, № 71 (8414) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АҲОЛИ ТАШАББУСЛАРИНИ Қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берилди

«Ташаббусли бюджет» дастурида голиб бўлмаган кўлаб лойиҳаларга ҳам маблағ ажратилади.

Бу ҳақда Президент Шавкат Мирзиёев бўлиб ўтган йиғилишда мутасаддиларга кўрсатма берди.

Мамлакатимизда ижтимоий инфратузилмадаги камчиликлар маънавий ҳал этилмоқда. Энг муҳими, бу лойиҳалар аҳолининг талаб ва тақлифлари асосида шакллантирилмоқда.

Шундай ишлар доирасида сўнги уч йилда 9 минг 500 та маҳаллага 57 триллион сўм ажратилган. Бу маблағлар ҳисобига 3 минг 500 та маҳаллада ички йўллар, яна шунингдек боғча, мактаб ва шифохона таъмирланган. 1 минг 19 та маҳаллада ичимлик ва оқова суви таъминоти яхшиланиб, 452 таси замонавий қиёфага келтирилган.

Инсон қадрини таъминлаш асосида бу йил маҳаллаларга ажратилаётган маблағлар кўлами 25 триллион сўмга етказилди. Хусусан, «Ташаббусли бюджет» дастури доирасида 8 триллион сўм кўзда тутилган.

Яқинда ушбу дастурнинг 1-мавсуми якунланди. Йиғилишда унинг натижалари ва амалга ошириладиган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Бу мавсумда аҳоли томонидан йўл, сув, электр, мактаб, боғча ва шифохоналарни яхшилашга 34 минг та лойиҳа тақлифлари овозга қўйилган. Овоз бериш жараёни якунига кўра, 1 минг 666 та лойиҳа голиб, деб топилган.

Бу борада одамларнинг фаоллиги ошгани ҳам эътиборга молиқ. Масалан, 2021 йилда овоз бериш жараё-

нида 1 миллион 200 минг аҳоли иштирок этган бўлса, бу йил 1-мавсумнинг ўзида уларнинг сони 16 миллиондан ошди. Шунингдек, илк марта ба «Ташаббусли бюджет» дастурида республиканинг барча маҳаллалари ўз лойиҳаси билан иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари голиб лойиҳаларни сифатли бажариш билан бирга бошқа лойиҳаларга ҳам эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади.

— Масалан, 1 минг 300 та лойиҳага 2 мингдан ортиқ аҳоли овоз берган бўлса-да, голиб бўлмаган. Бу — 4 миллиондан ортиқ аҳоли кўтарган масала ечимини топмади, дегани. Шунинг учун аҳолининг бу хайрли тақлифларини қўллаб-қувватлашимиз зарур, — деди Президент.

Ушбу лойиҳаларга қўшимча 1 триллион 300 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Яна бир муҳим жиҳати, «Ташаббусли бюджет» дастурида қанақадан 34 мингта лойиҳа келгуси йил бюджетини шакллантириш учун тайёр тақлиф. Масалан, маҳаллалардаги тибиб муассасаларини таъмирлаш бўйича мингдан ортиқ, мактабларнинг парта ва компьютер билан жиҳозлашга 5 мингдан зиёд лойиҳа тақлифлари келиб тушган.

Президент «Ташаббусли бюджет»да 1 минг 500 дан ортиқ овоз тўплаган лойиҳаларни 2024 йилги бюджетни шакллантиришда инobat-олиш зарурлигини таъкидлади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИЖТИМОЙ СОҲА ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ИСИТИШ ТИЗИМЛАРИНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ижтимоий соҳа объектидаги иситиш тизимларининг куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш, ушбу объектларга иссиқлик энергиясини узлуксиз етказиб бериш ҳамда энергия ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек, соҳага хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида:

1. Андижон вилоятининг Бўстон туманидаги 69 та ижтимоий соҳа объектини иссиқлик энергиясини билан таъминлаш давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлик Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2023 — 2026 йилларда республика ҳудудларида фаолият юритаётган давлат ижтимоий соҳа объектиларини кўмир ёқилгисига ўтказиш орқали куз-қиш мавсумида иссиқлик энергиясини билан узлуксиз таъминлаш, қозонхоналарни модернизация қилиш ҳамда муассасаларнинг иссиқлик тизимини таъмирлаш ва белгиланган меъёрларда ишлашини таъминлашнинг давлат-хусусий шериклик асосида хусусий сектор иштирокида босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўрсин. Бунда:

биринчи босқичда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги 5 722 та давлат ижтимоий соҳа объектининг иссиқлик таъминоти тизимларини хусусий сектор иштирокида модернизация қилиш ва бошқариш тизими жорий қилинсин; давлат ижтимоий соҳа объектиларида мавжуд иситиш тизимларининг жорий ҳолатидан келиб чиқиб, 2023 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларининг барча туман (шаҳар)ларида ҳамда бошқа вилоятларнинг 2-иловага мувофиқ туман (шаҳар)ларида давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ишлари бошлансин.

3. Қўйидагилар: Ижтимоий соҳа объектиларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилишда юзага келадиган муаммоларни аниқлаш ва баргараф этиш чораларини кўриш; туман (шаҳар) ҳокимликларининг лойиҳалар ижроси юзасидан ахборотларини қабул қилиш ва натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий материалларни киритиб бориш; мажбур қарорда кўрсатилган топшириқларнинг белгиланган муддатларда бажарилишини назорат қилиб бориш.

5. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б.Закиров), Энергетика вазирлиги (Ж.Мирзамаҳмудов), Андижон вилояти ҳокимлиги (Ш.Абдурахмонов), Наманган вилояти ҳокимлиги (Ш.Абдуразақов) ва Фарғона вилояти ҳокимлиги (Х.Бозаров):

гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин; давлат ижтимоий соҳа объектиларининг иситиш тизимлари учун талаб этиладиган кўмир ва бошқа ёқилги маҳсулотлари билан таъминлашга қўмаклашиш;

ҳар чоракда туман (шаҳар) ҳокимликлари ва жалб қилинган хусусий шериклар томонидан бажариш ишлар назоратининг ўрганиш ва мунтазам мониторинг қилиб бориш;

давлат ижтимоий соҳа объектиларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилишда юзага келадиган муаммоларни аниқлаш ва баргараф этиш чораларини кўриш;

туман (шаҳар) ҳокимликларининг лойиҳалар ижроси юзасидан ахборотларини қабул қилиш ва натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий материалларни киритиб бориш; мажбур қарорда кўрсатилган топшириқларнинг белгиланган муддатларда бажарилишини назорат қилиб бориш.

6. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б.Закиров), Энергетика вазирлиги (Ж.Мирзамаҳмудов), Андижон вилояти ҳокимлиги (Ш.Абдурахмонов), Наманган вилояти ҳокимлиги (Ш.Абдуразақов) ва Фарғона вилояти ҳокимлиги (Х.Бозаров):

Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Молиявий истеъмол кредити бериш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан «Истеъмол кредити тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 17 январда қабул қилинган Сенат томонидан 2023 йил 2 мартда маъқулланган

Мамлакатимизда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолининг таълим олиши, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, шунингдек кредитлар олиш имкониятини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Қонунчиликда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ва юридик шахслар томонидан реализация қилинадиган истеъмол товарларини (хизматларини) сотиб олиш учун молиявий истеъмол кредити бериш тўғрисидаги талабнинг мавжудлиги аҳоли учун ноқулайлик туғдирмоқда ҳамда товарларни (хизматларни) кредит маблағлари ҳисобидан сотиб олиш имкониятини чеклаб қўймоқда.

Ушбу Қонун билан «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига жисмоний ва юридик шахслар томонидан реализация қилинадиган товарлар (хизматлар) учун, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишлаб чиқарилган товарлар (хизматлар) учун молиявий истеъмол кредитлари бериш имкониятини назорат тулуви ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун молиявий истеъмол кредити бериш тартибини такомиллаштириш ва соддалаштиришга, шунингдек мамлакатимиз аҳолисининг таълим олиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 майда қабул қилинган «Истеъмол кредити тўғрисида»ги ЎРҚ-33-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 5, 216-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 4, 340-модда) 15-моддасининг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Молиявий истеъмол кредитидан фойдаланишда шартнома товарни (хизматни) истеъмолчи томонидан сотиб олишга қирур шартнома кучга киргунинга қадар ёки кучга кирганидан кейин тузилиши мумкин.

Молиявий истеъмол кредити бериш истеъмол товарларини (хизматларни) ишлаб чиқарувчининг ёки реализация қилувчи субъектининг (юридик ва жисмоний шахсининг) банкдаги ҳисобварағига банк ёхуд бошқа кредит ташкилоти томонидан пул маблағлари ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Молиявий истеъмол кредитининг нақд пулда берилишига йўл қўйилмайди».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижорчиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳуқуқат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 10 апрель № ЎРҚ—828

Учрашув бош ҳужжат лойиҳасида халқ орасида қўллаб-қувватланипти

Кеча парламент делегациясининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига ташрифи бошланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов бошчилигидаги делегация Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус шаҳрида кутиб олинди.

Депутатлар гуруҳининг кундалик дастури жуда бой бўлиб, сайловчилар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, жамоатчилик фаоллари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари билан бир қатор учрашувлар ўтказишни ўз ичига олади.

Тадбирларнинг асосий мавзуси — 30 апрель куну бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Конституциясини янги тахрирда қабул қилиш бўйича референдумга тайёргарликнинг боришига бағишланган.

ҲАҚИҚАТ ВА АДОЛАТНИ ШИОР ЭТГАН БУЮК СҲЙМО

Пойтахтимиздаги Амир Темуր хибониди буюқ Сохибқирон бобомиз таваллудининг 687 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, ёзувчи-шоирлар, ҳарбийлар, нурунийлар, кенг жамоатчилик вакиллари, хорижий меҳмонлар қатнашди.

Эхтиром

Тадбирда Амир Темуր буюқ давлат арбоби, моҳир лашкарбоши, илм-фан, маданият ва маърифат ҳомиеси сифатида нафакат юртимиз, балки жаҳон тарихидан муносиб жой олгани таъкидланди.

Улуғ саркарда Туронзаминда марказлашган давлат тузди, халқлар ўртасида тинчлик ўрнатиб, фаровон яшашига замин ҳозирлади. Салтанатда қонун устуворлиги таъминлангани, «Куч — адолатда!» деган эзгу ғоя бош шоирга айланганлиги боис Сохибқирон бобомиз номи абадиётга муҳланди. Шунинг учун буюқ аждодимиз бугунги авлодлар учун фахр-ифтихор тимсолига айланган.

Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва мух-

«Темуրбеклар мактаби»-да бўлиб ўтган дастлабки учрашувда иштирокчилар бўлажак референдумнинг муҳимлигини таъкидладилар. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари йиғилганларнинг эътиборини Қорақалпоғистонда истиқомат қилаётган фуқароларнинг бўлажак референдумга нисбатан юксак кайфиятига, янгиланаётган Конституция лойиҳаси халқ орасида қўллаб-қувватланаётганига қаратди.



МИЛЛАТ УЧУН ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАСИ

Ўзбекистоннинг миллий ғояси қандай бўлиши керак? Унинг негизида сифатли таълим, самарали илм, миллий манфаатлар муҳимаси бўлиши шар!

Бугун биз ниятда мураккаб, таҳликали, таҳдидли ва тажовузкор дунёда яшаймиз. Жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, беқарор сиёсат, гегемонлик васвасаси, ўзаро зиддиятлар, миллатчилик каби бурхонлар биздан ҳар қачонгиданда кўпроқ миллий мустақамликни талаб этмоқда. Миллий бирлик эса юксак миллий ғоя замирида шаклланиб, миллатни ягона мақсад йўлида бирлашишга даъват этади.

Мушоҳада

Ҳўш, Ўзбекистоннинг миллий ғояси қандай бўлиши керак? Мазкур саволни ҳозирги талаффули даврда ҳаётнинг ўзи олдимизга кўндаланг қўймоқда. Зеро, миллий ғоя барча мақсад-муддояларимизнинг калити ҳисобланади. Ғоясини ёки иккинчи даражали ғоя миллилатни заифлаштириши, турғунликка етаклайди. Агар дўпини бошдан олиб, теран мулоҳаза юритсак, тевакар-атрофга назар ташлайдиган бўлсак, дунёнинг ривожланган мамлакатлари ҳаётининг барча буюқ тарихий ҳодисалар тағ-заминида тўғри танланган ва ўзгармас миллий ғоя муҳимаси эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Шу маънода, Ўзбекистоннинг миллий ғоясини илгари суриш пайти келди. Бизнингча, у сифатли таълим ва самарали илм-фан негизида юқори интеллектуал даражада илм-фан негизида юқори тарбиялашдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чўки юқори интеллектуал даражада авлоднинг пайдо бўлиши, жамиятнинг барча бўғини қириб бориши мамлакатдаги мавжуд соҳаларнинг ижобий ўзгаришига, янгилаанишига, ривожланишига, тараққий этишига олиб келади.

Буюқ Шарқ файласуфи Конфуций «Билмисизлик инсоният учун энг қоронғи тўндир» деганида минг қарра ҳақ. Негаки, илм инсониятни юксакликка кўтарса, билимсизлик уни фақат тубанлик, жарлик

сари етаклайди. Бунга инсоният тамаддунида мисоллар жуда кўп. Шунинг учун эртасининг фаровон бўлишини ўйлаган жамият илм сари интилади, ёш авлодга билим ўргатиш, зми тарқатиш пайидан бўлади.

Мантқан олиб қараганда, юқори интеллект, бу чексиз куч-қудрат, миллат тафаккурида юз берадиган инқилобдир. У миллат онгидига барча иллатларни аёвсиз сидириб ташлайди. Энг асосийси, юқори интеллект инсонга Ватанини таниш, англаш имконини беради. Юқори интеллект эгаси ўз миллати, ўз мамлакатини билан фахрланади. Унинг манфаати учун курашади. Ҳаётини мана шу мақсадга бағишлайди.

«Ҳамма сазй-ҳаракат-



Биз ва жаҳон

ФИНЛЯНДИЯ МЎЪЖИЗАСИ

УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН МАНФААТЛИ ШИҲАТЛАРИ НИМАЛАРДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА?

Ўзбекистон тараққийотининг янги босқичида ислохотларнинг асоси сифатида таълим соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва ғоясига мувофиқ, ҳар бир навқирон ёшнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига қўмақ берадиган, иқтидорини кўрсатиладиган, орзуларига қанот бўладиган яхлит ва узлуксиз таълим тизимини яратишга ҳаракат қилинмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудида Президент, ижод ва маълум фанларга иктисослаштирилган мактабларнинг очилаётгани ҳамда уларнинг халқимиз

томонидан тўла қўллаб-қувватланаётгани «Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади» деган эзгу ғоянинг умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётгани фидосидир.

Мамлакатимиздаги барча ўқув даргоҳларида таълимнинг бирдек янги сифат даражасига кўтарилиши — ислохотларнинг навбатдаги босқичи ҳисобланади. Ўзбекистонда бу борада ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасига таянилмоқда. Финляндия билан таълим соҳасида олиб бориладиган ҳамкорлик сўзимиз исботидир.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ИЖТИМОЙ СОҲА ОБЪЕКТЛАРИНИҲ ИСИТИШ ТИЗИМЛАРИНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Бир ой мuddатда туман (шаҳар)лардаги давлат ижтимоий соҳа объектлари буйича мавжуд иссиқлик таъминоти тизимларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун танлов асосида лойиҳа институтларини жалб қилсин ҳамда мавжуд иссиқлик таъминоти тизимларини хатловдан ўтказган ҳолда нуқсонлар тўғрисида далолатномаларни расмийлаштирсин;

Жорий йил 1 июнга қадар жалб қилинган лойиҳа институтлари кўмағида туман (шаҳар)лардаги ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш ва бошқариш лойиҳаларининг (кейинги ўринларда — Лойиҳалар) концепцияларини тасдиқласин;

Жорий йил 1 августдан лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва лойиҳа концепциялари тасдиқланган туман (шаҳар)лардаги ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида босқичма-босқич модернизация қилиш ишларини бошласин.

6. Лойиҳаларни амалга оширишда: давлат шериги этиб — туман (шаҳар) ҳокимликлари белгилансин;

хусусий шериклар — Ўзбекистон Республикасининг "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги Қонуни талабларига мувофиқ тендер ўтказиш ва (ёки) халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг қарорлари асосида энг мақбул тақлифларни таллаб олиш орқали аниқлансин;

7. Белгилаб қўйилсинки, Лойиҳаларни амалга оширишда қуйидаги вазифа ва мажбуриятлар бажарилиши таъминланади:

а) давлат шериклари томонидан: давлат ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини хатловдан ўтказиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказишни таъминлаш;

лоийҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда кўмир ёқилғисида ишлайдиган энергия тежамкор қозонларни ўрнатиш ва объектлардаги ички иссиқлик тармоқларини модернизация қилишни назарда тутиш;

Лойиҳалар буйича концепцияларни тасдиқлаш; Лойиҳаларни амалга ошириш учун тендерларни ташкил қилиш ҳамда хусусий шерикларни шаффоф ва очиқ шартларда танлаш; жалб қилинган хусусий шериклар учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва уларга иситиш объектлари ва тизимларини давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган мuddатда вақтинчалик бепул фойдаланишга бериш;

Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағларнинг давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган мuddатларда ва миқдорларда йўналтириб борилишини таъминлаш;

хусусий шериклар томонидан бажариладиган ишлар ва хизматлар сифатини доимий назорат қилиб бориш, натижа

буйича ҳар чоракда Республика ишчи гуруҳига ахборот бериш; хусусий шериклар томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган шартлар бажарилмаган тақдирда битимни бир томонлама бекор қилиш;

б) хусусий шериклар томонидан: санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ижтимоий соҳа объектларининг ички қисмларида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш мuddати давомида иссиқлик ҳароратини лозим даражада таъминлаш. Бунда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар доирасида ижтимоий соҳа объектларида иссиқлик қуввати ҳисобини юритишнинг онлайн тизимларини жорий этиш буйича талаб қўйилиши мумкин;

иситиш учун мейёр буйича талаб этиладиган кўмир ва электр энергияси харажатларини камида 20 фоизга ва иссиқлик энергияси йўқотишларини 30 фоизга камайтириш; ижтимоий соҳа объектларида Ўзбекистон Республикасида камида бир йил синавдан муваффақиятли ўтган ва хизмат қилиш кафолати камида 15 йилни ташкил қиладиган қозонларни ўрнатиш;

ўрнатиладиган иситиш қозонларининг сифатини кафолатлаш ва мuddатидан олдин яроқсиз ҳолатга келган иситиш қозонларини ўз маблағлари ҳисобидан янгилаш. Бундай ҳолларда Давлат бюджетидан қўшимча маблағ ажратилмайди;

ижтимоий соҳа объектларини иситиш билан боғлиқ барча масалаларни ўз зиммасига олиш.

8. Белгилансинки: Лойиҳаларни амалга оширишда модернизация қилиш ва таъмирлаш харажатлари учун талаб этиладиган инвестиция маблағлари хусусий шериклар ва Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ажратилди;

хусусий шерикларнинг улуши камида 50 фоиз ва объектларни эксплуатация қилиш мuddати 10 йилни ташкил этади;

Лойиҳаларни бошқариш ва эксплуатация қилиш даври давомида хусусий шериклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар 2023 йилда маҳаллий бюджет параметрларида ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар, шунингдек, мавжуд шарт бирликларини қисқартириш ҳамда энергия ресурсларини тежаш ҳисобига иқтисод қилинадиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилди;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар доирасида ижтимоий соҳа объектларида иссиқлик энергияси йўқотишларини камайтириш ва объектнинг энергия самарадорлигини ошириш тадбирлари кўзда тутилиши мумкин;

туман (шаҳар) ҳокимлари ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини тўлақонли фаолият кўрсатиши учун масъул ва шахсий жавобгар ҳисобланади.

туман (шаҳар) ҳокимлари давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар доирасида хусусий шерикка ўз мажбуриятларини бажаришга ҳар томонлама, шу жумладан, кўмир ёқилғисини мuddатидан олдин жамлаб қўйишда амалий ёрдам кўрсатсин.

9. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига хусусий шерикларнинг энг мақбул тақлифларини таллаб олишда қуйидаги талабларга эътибор қаратиш тавсия этилсин:

хусусий шериклар маблағларининг улуши камида 50 фоиз ва ундан юқори бўлиши;

хусусий шериклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун

харажатлар миқдори маҳаллий бюджет параметрларида ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағларга нисбатан кам бўлиши;

хусусий шерикларнинг солиқ тўловчи сифатида ишончли бўлиши ва охири йилда товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган жами даромади 3 миллиард сўмдан кам бўлмаслиги.

10. Белгилансинки: Лойиҳалар ҳар бир ижтимоий соҳа объекти буйича алоҳида лотга ажратган ҳолда амалга оширилади;

туман (шаҳар)лардаги мавжуд ижтимоий соҳа объектларининг сонидан, муассасаларнинг олис ҳудудларда жойлашувидан ҳамда ташаббускор хусусий тадбиркорлик субъектларининг тақлифларидан келиб чиқиб, Республика ишчи гуруҳи билан келишувга кўра икки ва ундан ортиқ лойиҳаларни бирлаштирган ҳолда лотларга ажратишга рухсат берилади.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев) 2023 йилда республика буйича давлат-хусусий шериклик асосида давлат ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш учун жами 500 миллиард сўм, шундан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари учун 250 миллиард сўм, Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадар вилоятига 50 миллиард сўмдан маблағ ажратсин.

Бунда ушбу харажатлар 2023 йилда Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида назарда тутилган маблағларни қайта тақсимлаш ҳамда республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қoplanсин.

12. Иситиш қозонлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат буйича хориждан олиб келинадиган (импорт қилинадиган), республикада ишлаб чиқарилмайдиган товарлар 2025 йилнинг 1 январига қадар божхона божидан озод қилинсин.

Энергетика вазирлиги (Ж.Мирзамаҳмудов), "Узэлектроснаб" уюшмаси (М.Юнусов) иситиш қозонлари ишлаб чиқарувчилар билан биргаликда олиб келинадиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатини шакллантириш ҳамда белгиланган тартибда комплекс экспертизадан ўтказишни таъминласин.

13. Электротехника сонаотини ривожлантиришга кўмаклашиш буйича ишчи гуруҳ (Д.Султонов) маҳаллий электротехника мажбуриятлари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан бирга:

бир ой мuddатда икки хил, жумладан, қаттиқ ёқилғида ишлайдиган иситиш қозонлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини ошириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

уч ой мuddатда соҳадаги мавжуд корхоналар базасида энергия тежовчи ва хавфсизлик даражаси юқори бўлган иситиш қозонлари (ҳар хил ёқилғида ишлайдиган) ишлаб чиқаришни кенгайтириш буйича лойиҳалар рўйхатини шакллантирсин.

14. Республика ишчи гуруҳи (Ш.Кудбиев): манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан туман ҳамда шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ўз тасаруфидоги ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик таъминоти тизими модернизация қилингандан сўнг ечиб олинмайдиган ва фойдаланишга яроқли бўлган иситиш қозонлари эҳтиёжи мавжуд

бўлган бюджет ташкилотларига бегараз ўтказиб берилишини ташкиллаштирсин;

уч ой мuddатда Энергетика вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар доирасида ижтимоий соҳа объектларида энергия самарадорлигини ошириш буйича манзилли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурдаги Давлат молиявий назорати инспекцияси Лойиҳаларни амалга ошириш учун Давлат бюджети ҳисобидан ажратилмайдиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан молиявий назорат тадбирлари ҳар йилги ўтказилишни таъминласин.

Бунда давлат шериги ва хусусий шерик Лойиҳалар учун ажратиладиган Давлат бюджети маблағларининг мақсадли сарфланиши учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев) Лойиҳалар буйича тасдиқланган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларда белгиланган самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши ва битим шартларига риоя этилиши юзасидан доимий мониторингинг амалга ошириб бурсин.

Бунда мониторинг натижасида биринчи марта аниқланган камчиликлар учун йиллик тўлов миқдорини 10 фоизга, иккинчи марта аниқланган камчиликлар учун 20 фоизга камайтириш ҳамда унинг марта аниқланган камчиликлар учун битимни бекор қилиш каби жазо чораларини қўллаш механизми татбиқ этилсин.

17. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ҳаджаев), Савдо-саноат палатаси (Д.Ваҳобов) тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда мажбур қарорнинг мазмун-муҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида турли учрашувлар, тематик давра сўбатлари ташкил этсин ҳамда уларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритсин.

18. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев): Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой мuddатда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги намунавий битим лойиҳасини ишлаб чиқиб, барча туман (шаҳар) ҳокимликларига тақдим қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. Мажбур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д.Кудбиев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Кўчқоров зиммасига юксалсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 10 апрель

БОШ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАСИ ХАЛҚ ОРАСИДА Қўллаб-қувватланыпти

Мустақиллик йилларида ҳудудда эришилган натижалар, фуқароларнинг турмуш шароити сифат жиҳатдан яхшилангани ҳаётий мисоллар асосида баён этилди.

Депутатлар "Nukus windows profile" МЧЖ меҳнат жамоаси билан учрашув ўтказди, уларнинг иш ва турмуш шароити билан қизиқди. Корхона ходимлари халқ вакилларига бўлажак референдум юзасидан ўзларини қизиқтирган саволлар билан муножбат қилиб, уларга атрофлича жаҳод олди.

Нукус шаҳрида депутатларнинг Сарвиноз маҳалласи фуқаролари билан учрашуви очиклик ва конструктивлик ру-

ҳида ўтди. Маҳалла фуқаролари йиғинининг аҳоли билан ўзаро ҳамкорлигини тақомиллаштириш, уларга зарур маълумотларни етказиш, фуқаролар муножбатлари билан ишлаш масалаларини муҳокама қилинди.

Депутатларнинг фермерлар, хусусан, Кейгеيلي тумани фермер хўжаликлари вакиллари билан ўтказган учрашувлари ҳам самарали бўлди. Қишлоқ хўжалиги кластерлари фаолияти атрофлича муҳокама қилиниб, ижро ҳокимияти вакиллари иштирокчида фермерлар томонидан қўрилган бир қатор амалий масалалар ҳал этилди.

«Халқ сўзи».

ҲАҚИҚАТ ВА АДОЛАТНИ ШИОР ЭТГАН БУЮК СИЙМО



Аксол МУҲАММАДОВ олган сурат.

Тадбирда "Темурбеклар мактаби" ўқувчилари "Темур тузуқлари" асаридан лавҳалар ўқиб берди. Темуршуннос олимлар, маданият ва санъат намояндалари Темурийлар даври буюк тарихимизнинг сермазmun саҳифаси эканлини, Соҳибқирон қолдирган бебаҳо мерос, ноёб мейморчилик обидалари халқимиз учун қимматли хазина бўлишини таъкидлашди.

Тантананда буюк саркарда фазилатлари мадҳ этилган шерлар янгради. Халқаро ҳарбий мусобақаларда голиб бўлган ўзбекистонлик аскар ва зобитлар, Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг кўргазмали чиқишлари намойиш қилинди.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»), Иштирокчилар соҳибқирон

МИЛЛАТ УЧУН ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАСИ

Дарҳақиқат, янги Ўзбекистонни барпо этиш, учинчи Ренессанснинг бунёд қилиш, эркин ва фаровон жамият қуриш йўлида белгиллаб олган улкан мақсадларга қанчалик тез эришишимиз миллатнинг билим ва тафаккури, салоҳиятига боғлиқ. Сингапур мўъжизасининг асосчиси Ли Куан Ю айтганидек, "Истеъодли инсонлар мамлакатининг энг бебаҳо бойлиғидир".

Масалага ана шу нуқтаи назардан ёндашсак, Ўзбекистоннинг миллий гоёси таълим, илм-фан, интеллект даражаси бандан авлоднинг воёга етказиши тарихий заруратдир. Тан олмаски, Ўзбекистон мустақил бўлгандан сўнг "миллий гоё" деб номланган гоё рўяга ташланган эди. Аммо маъмулликка йўғрилган бу гоё, халқимизга сингмади, миллатнинг миллий гоёсига айланмади. Энг аламлиси, ҳаётимизни яхшиламади, ўзгартормади. Чунки бизга "миллий гоё" деб тегиштирилган гоёнинг аниқ мақсади йўқ эди. Баландраровз гаплардан иборат эди, холос. У билан ҳаёт ўртасида жуда катта фарқ бор эди.

Халқимиз йўлсизлик узра муаллиқ қолган, Президент Шавкат Мирзиёев миллий гоё борасида амалий ишларни бошлади. Унинг асл маъно-мазмунни қуйидагилардан иборат: биз маърифатпарвар боболаримизнинг муқаддас орзуларини рўёбга чиқариш учун мамлакатимизда янги Ренессанс пойдеворини яратишни стратегик вазифа қилиб белгиллаганмиз. Шу мақсадда илм-фан, таълим-тарбия, маданият соҳаларида туб ислохотларни амалга оширмақдамиз. Бу борада, аввало, таълим тизимини замон талаблари асосида ташкил этиш, ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга устувор аҳамият қаратмоқдамиз...

Бугун илгари сурилаётган миллий гоё асоси сифатли таълим ва самарали илм-фанга қурилаётгани беҳиз эмас, албатта. Сабаби, ўтган давр ичиди илм-фанни ҳам, таълим тизимини ҳам боши берк кўчага олиб бориб қўйдик. Муаллим, олимнинг обрўсини ер билан битта қилдик. Ўқиш-ўқитиш ишлари бугунлай издан чиқди. Болалар боғчалари тугатилди. Бинолари хусусийлаштирилди. Болалар то мактаб ёшигача уйда қолиб кетди. Боланинг онги маълумотларни яхши оладиган вақти бўлган 5 — 7 ёш оралиғида у ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Ота-она тиричилик гамида четга чиқиб кетди. Натижада кўз ўнгимизда билимсиз, лаёқатсиз авлод пайдо бўлди.

Италиялик машҳур иқтисодчи-

тарихчи Карло Чипполо шундай ёзади: "Билимсизлар жиноятчилардан кўра хавфлидир. Жиноятчиларда мақсад бўлади, тентақларда эса йўқ. Шунинг учун уларнинг харажатларини олдиндан билиш имконсиздир. Улар сизга ҳеч қандай сабабсиз, мuddасиз, режасиз зарар етказмади. Энг қутулмаган жойда, энг нуқуллай пайтда пайдо бўлади".

Ҳўш, бундай иллатга қарши қандай кураш олиб бориш мумкин? Албатта, сифатли таълим бериш, миллатнинг мудраб ётган даҳосини йўғотиш билан. Демак, ёш авлоднинг ақл "машъала"ларини бугун ёқмоғимиз лозим. У жамиятда инсоннинг бутун умр илм олиши учун барча шароитни яратиш бериш, маърифатли давлат сиёсатини юритиш, бола онгу шуурига гўдақлигиданок зий ёлиб кириш ёрдамида амалга оширилади.

Тўғри, бу жуда машаққатли, оғир меҳнат талаб қиладди. Аммо шарафли йўл, тараққиёт шарт, замон талабидир. 2018 йилда Самарқанд давлат университетига ташриф буюрган Нобель мукофоти лауреати Азиз Санжарга таълимдаги ислохотларни нимадан бошлаш кераклиги тўғрисида савол берганимизда, унинг жавоби жуда қисқа бўлди: "Мақтабгача таълим муассасасидан..."

Машҳур олимнинг фикрини давом эттириб, айтиш мумкинки, оналар маъсулиятини ошириш ҳам жуда муҳим. Онанинг фарзандни дунёга келтириш бу табиий жараён бўлса, онадан бошлаб унга таълим-тарбия бериш бу эл-юрт олдидаги улкан бурчи эканлигини унутмаслик керак.

АҚШнинг Массачусетс штатидаги Кембриж шаҳрида жойлашган Ҳарвард университетидида шундай чақирғи бор: "Билим олиш азоби — вақтинча, билимсизлик азоби — умрбод!" Барча иллатларнинг дояси илмисизлик экан, миллатнинг оёғига тушув бўлаётган қусурлардан тезроқ қутулишимиз керак. Дабдабали тўйлар, ҳашаматли иморатлар, керак-сиз орзу-хаваслар ўрнига болаларимизни ўқитишимиз жуда катта зарурат эканлигини унуттишга ҳаққимиз йўқ. Хаммасини давлатга ташлаб қўйиш, хаммасини давлатдан қуттиш тўғрисида.

Давлат қилиб беришти, деган илдолавога қарата айтиш керакки, Президент ташаббуси билан, аввало, мактабгача таълим тизимини яратилди. Мактаб таълими ислохот қилинди. Самарасиз коллежлар фаолияти тўхтатилди. Ёшларнинг олий таълим олиш имконияти мисли қўрилмаган даражада кенгайтирилди. Олий таълим халққа яқинлаштирилди.

Қисқача айтганда, таълим мамлакат тараққиётининг локомотивиға айланди. Ўқитувчи ва домла, устоз ва мураббий, ўқувчи ва талабалар мажбурий меҳнатдан озод бўлди. Педагоглар фақат миллатни ўқитишдек ўта маъсулиятли вазифаларни бажаришга киришмиди.

Иқтисодий қийинчиликлар, маош камлиги туфайли чет элларга чиқиб кетган ёки касбини алмаштиришга мажбур бўлган илм аҳли мамлакатга қайтарилмоқда. Ҳар йилги қисқартиришлар туфайли кўчага хайдалган олимлар учун олий ўқув юртилари, илмий тадқиқот муассасалари эшиги қайта очилди...

Таълимга, илм-фанга етарли эътибор қаратмаслик қандай салбий оқибатларга олиб келишини, жамиятда депенсинг юз беришини тарихимизда кўрдик. Кўзимиз очилди. Тараққиётда дунёнинг ривожланган, ривожланаётган давлатларидан эмас, ёнимиздаги мамлакатлардан ҳам орқада қолдик. Ўзбекистон Қўрамоний, халқ шоири Абдулла Орипов ўша кунларда алам билан:

"Утираверибман буюкман дея, Манзилга етибди бошқа қарвонлар..." деган эди.

Минг афсуски, эркимиз ўз қўлимизда бўла туриб, яратиш ва ривожланиш учун, аввало, сифатли таълим, илм зарурлиги ҳақидаги азалий ҳақиқатдан кўз юмдик...

Бундай жамиятда қандай миллий гоё бўлиши мумкин? Ё у йўқ ёки бор бўлса-да, миллатнинг мақсад-мuddасига айланмаганидир. Юракларга кўчиб ўтмаган, қалбларга муҳрланмаганидир.

Маърифатли миллат, озод халқгина миллий гоё ҳақида ўйлайди. Уни яратиш устиди бош қотиради. Унинг учун миллий гоё муқаддас туйғуға айланади. Демак, миллий гоёнинг негизиди сифатли таълим, самарали илм, миллий манфаатлар муқаддас бўлиши шарт.

Тарихга назар ташлаган, мамлакатлар қанон қудратли бўлган? Қачон тараққий этган? Қачон гуллаб-яшанган? Қачон халқ фаровон ва бой яшаган? Албатта, илм-фан ва таълим ривожланганда. Минглаб мактаб ва мадрасалар қурилганда. Шаҳарларимиз марказидаги энг бандан, энг мухташам иморатлар мадрасалар бўлганди...

Ислол оламиди алоҳида эътироф этиладиган олим ва уламо раҳматли Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг маълумотларига кўра, Қуръонда "илм" сўзи турли ҳолларда 765 марта тақдорланади. Пайгамбар алайҳиссаломнинг ҳаётлари ва айтган сўзлари ҳам илмга даъват билан тўла. Биргина мисол келтирай-

Миллий гоёси йўқ, бўлса-да амал қилмайдиган миллатни маъх этиш осон кечади. Зеро, миллий гоё миллатнинг мустаҳкам қалъасидир. У миллатни ташки тасирлардан ҳам ҳимоя қиладди. Ватан муқаддаслигини, озодлик қадрини, ўзликини асраш имконини беради. Янги Ўзбекистоннинг янги миллий гоёси эса сифатли таълим ва самарали илм-фан негизиди юқори интеллектуал даражага авлод асосига қурилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Зотан, миллий гоё мамлакат олдида турган барча муаммоларни ечишнинг ягона ва асосий воситаси бўлиши шарт. Юқори сифатли таълим ва самарали илм-фангина бунга қалит бўла олади.



Рустам ХОЛМУРОВОВ, Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

катта пул эвазига ўзларига чақириб олмоқда ва улардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Илмий салоҳиятга эга чиқмоқда. Бунинг натижасида давлатлари зиёда бўлиб, халқи я

Фикр

ҲАҚИҚИЙ МАЪНОДАГИ ТАРИХИЙ ЖАРАЁН

Янги Ўзбекистон том маънода улкан ўзгаришлар остонасида турибди. Сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар сабаб иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, айниқса, инсон ҳуқуқлари, одил судлов, сўз ва эътиқод эркинлиги йўналишидаги чекловлар олиб ташлана бошланди. Буларнинг барчаси туб ўзгариш ва янгиланишларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш йўлидаги дастлабки қадамлар эканига ғувдек бўлиб турибмиз. Яъни навбат конституциявий ўзгаришларга келганини барчамиз бирдек ҳис этияпмиз.

ЭРКИНЛИК — ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда янгиланаётган Конституция мазмун-моҳиятига бағишланган тадбирлар қизгин паллага кирди. Халқ фикри, талаб-истаклари асосида ишлаб чиқилган Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилаётгани мантиқан низоҳатда тўғри бўлди, деб ўйлайман.



Ушбу тарихий жараёнда ЎзЛиДеПнинг Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, маҳаллий Кенгашлардаги икки минг уч юз нафар депутати, ўн тўрт мингдан зиёд бошланғич партия ташкилотларининг ҳар бири фаол иштирок этиб, кенг жамоатчиликка Конституция мазмун-моҳиятини етказмоқда. Партияимиз тарбиёт кампаниясида аҳоли, электротартиб вакилларининг Конституция янгиланаётганини маъқуллаётгани, етти йил муқаддам бошланган туб ислохотлар янада кенроқ микдосда қаратилган тизимли ишлар янгиланаётган Конституцияда ҳам мантиқий давомини топишнинг ғувдек бўлди.

Янгиликлар Асосий Қонун билан танишар эканмиз, ушбу ўзгаришлар асосида турган бош ғоя — инсон манфаатлари эканлиги кўзга ташланади. Янги тахрирдаги Конституциянинг росмана халқ Конституцияси эканлигини кўрсатувчи яна бир муҳим жиҳат — лойиҳада жамиятнинг барча қатлами манфаатлари инобатга олинганлиги.

Асосий Қонунимизда киритилаётган ўзгаришлар билан танишиб чиқётган ҳар бир фуқаро Ўзбекистонда кейинги йилларда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган тизимли ишлар янгиланаётган Конституцияда ҳам мантиқий давомини топишнинг ғувдек бўлди.

Шунингдек, янги тахрирдаги Конституцияимизда монополизм фаолиятини бозор қонуниятларига амал қилган ҳолда тартибга солиш назарда тутилмоқда. Чунки иқтисодиётдаги ҳар қандай монополизмдан барча бирдек азият чекади: миқдор ҳам, тадбиркор ҳам, давлат ҳам. Шу боис давлатнинг монополизм фаолиятга қарши курашишдек муҳим вазифани ўз зиммасига олиши бизнес ҳамжамиятининг ҳам, фуқароларнинг ҳам манфаатига мос келади.

Янги тахрирдаги Конституцияда миллий иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатда инвестициявий муҳитни яхшилаш ҳамда мулк ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган нормалар ҳам киритилмоқда. Жумладан, нафақат банк омонатлари, балки банк операциялари ва ҳисоббароралик ҳам сир тутилиши кафолатланмоқда.

Қисқаси, юрtdошларимиз эзгу ниятлар билан бошланаётган умидли ва барқарор ислохотларни қўллаб-қувватламоқда. Бу бежиз эмас. Бокис Асосий Қонунимизда нафақат тадбиркорлар, балки аҳоли турли қатламлари ўз қалбининг туб-тубида асраб юрган оруз-истаклари ифодаси — янгиланаётган Конституцияда ўз аксини топмоқда. Анирок айтганда, Конституция тўғрисидаги амал қиладиган ҳужжат бўлди. Демак, уни ҳеч иккиланмасдан халқ Конституцияси дейишимиз мумкин.

Ақтам ҲАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МУҲОФАЗАСИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

Бугун янги Ўзбекистон инсонпарвар, адолатли, эркин ва халқчил давлат қуриш йўлида одимламоқда. Шу мақсадда, янги тахрирдаги Конституцияимизнинг 1-моддасида "Ўзбекистон — ҳуқуқий давлат" деган тамойил мустаҳкамланмоқда. Янги тахрирдаги Конституция жамиятимизнинг эволюцион ривожланишидан келиб чиқётган ҳаётий зарурат бўлиб, бу адолатли жамият барпо этиш йўлидаги улкан қадам ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларнинг бош мақсади ҳам инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият деб тан олган Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи хоҳиш-иродасини рўйбега чиқаришдир.

Янги тахрирдаги Конституцияимиз ҳам илгари амал қилиб келган "давлат — жамият — инсон" тамойилини "инсон — жамият — давлат" деб ўзгариштириб, яъни энг аввало, инсон манфаатини ҳар нарсадан устун қўйишни мақсад қилган. Хусусан, Конституцияимизнинг амалдаги 26-моддасида шахннинг иши судда қўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги белгиланган бўлса, эндиликда (28-моддада) суднинг қонуний қўлга кирган ҳужми билан аниқланмагунча у айбис ҳисоблангани мустаҳкамланмоқда.

Янги тахрирдаги Конституцияда айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имконияти тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал этилиши кераклиги белгиланмоқда. Мазкур норма тўғрисидаги амал қилувчи қўлда бўлиб, тергов ва суд жараёнида фақат ишончли ва қонуний далиллардан фойдаланишни таъминлашда ҳамда шахсини асосий равишда жавобгарликка тортилишдан ҳумолаиди.

Хозирги кунда "Адолат" СДП фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгаш депутатлари "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини аҳолига содда ва тўғри тушутирмоқда.

ФАРОВОН ҲАЁТ УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Шу кунларда "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича ҳудудларда ўтказилаётган тарбиёт тадбирлари қизгин паллага кирди.



Янгиланаётган Конституцияда киритилаётган нормаларнинг салмоқли қисми инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига тааллуқли бўлиб, инсон қадр-қиммати, шайни ва фурури барча соҳада биринчи ўринда туриши олий даражада ўз ифодасини топмоқда. Яъни чога табиатдаги глобал иқлим ўзгаришлари, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вазиятнинг тобора кескин тус олаётгани сабабли экологик масалалар ҳам Асосий Қонунимиздан ўрин олмақда. Жумладан, Бош қомуснинг муқаддасига, 9-бобида, 49, 79, 115-моддаларига бу борада янги нормалар киритилаётганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Хусусан, янги тахрирдаги Конституциянинг 49-моддасида давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўриши мустаҳкамланган. Ушбу

Хайрулло ҒАФФОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари.

Фуқароларимиз Конституцияимизга қўллаб-қувватлаётганлиги нормалар киритилаётганини, жумладан, 20-моддада инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларда юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ҳамда ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши кафолатланаётгани қўллаб-қувватлаётгани билан қўтиб олинди.

Жойларда ўтказилаётган тарбиёт-ташвиқот тадбирларидан қўрқинмики, ҳозир юрtdошларимиз Бош қомусимизга киритилаётган нормаларни яхши кайфиятда қарши олиб, юрtdошларимиз асраб-авайлаётган конституциявий ислохотлардан мамнулигини билдирмоқда.

Умуман олганда, янгиланаётган Конституция мамлакатимизнинг узоқ муқддатли тараққиёт стратегияси, юрtdошимиз ҳамда халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ва ишончли кафолати бўлиб хизмат қилади.

Зухра ИБРАГИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, «Адолат» СДП фракцияси раҳбари.

норманинг белгиланиши минтақа аҳолиси учун муносиб яшаш шароитлари яратилиши ва турмуш даражаси жиддий тарзда яхшиланиши таъминланади.

Шунингдек, мазкур норма аҳолиимиз ҳамда келажак авлод учун қулай ва экологик тоза ҳудудни сақлаб қолиш, Оролбўйи минтақасида яшовчи аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ишсизликни камайтириш, аҳоли яшashi ва ривожланиши учун қулай атраф-муҳитни таъминлашнинг конституциявий кафолатларини яратди.

Умуман, янгиланаётган Конституция Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси, юрtdошимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос, ишончли кафолат ҳамда барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув ва ижтимоий кафолатларнинг мустаҳкам пойдевори сифатида хизмат қилиши шубҳасиз.

Улуғбек ИНОЯТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ХДП фракцияси раҳбари.

ХАЛҚИМИЗ БИРДАМЛИГИГА ИШОНЧ ЮҚОРИ

Шу кунларда бутун республикамиз бўйлаб янгиланаётган Конституция кайфияти кезиб юрди. Турли тадбирлар, катта-кичик даражаларда гурунларда ғувойи бўлиши, юрtdошларимиз кейинги йилларда янгиланишлардан мамнун.

Халқ демократик партияси конституциявий ислохотларни дастлабки кунлардан қўллаб-қувватлаган. Айни пайтларда мамлакатимизнинг барча ҳудудда эркин форматларда ранг-баранг тадбирлар ўтказмоқдамиз, фракцияимиз, фракцияимизнинг депутатлари аҳолининг ҳаётини яхшироқ қилиш учун муносабатларда юқори сийёсий фаоллик ва хайрихоҳликка бевосита ғувойи бўлаётди.

Партияимиз электротари томонидан билдирилган 3 мингдан ортиқ тақлифларнинг аксарияти мазмун янгиланаётган Конституцияда ўз ифодасини топмоқда. Биз мулоқот тадбирларида янги меъёрларнинг аҳамияти, фуқароларнинг фикр ва таъкирларига акс этягани ҳақида яна бир бор тушунча беришга эътибор қаратяпмиз.

Утган ҳафта Бухоро шаҳридаги Ёшлар хиббониди, Навоий шаҳридаги педагогика олийгоҳи ҳовлисида кенг аҳоли қатлами вакиллари билан учрашганимизда, айниқса, ёшларнинг фаоллиги, янгиланишларни ўз ҳаёти мисолида тушунаётгани ҳаммамизни қувонтирди.

Янги тахрирдаги Конституцияимизнинг 42-моддасида ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қўлай меҳнат шaroитида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга экани кафолатланаётгани, 47-моддада эса ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланаётгани ҳақида хайрихоҳлик билан илқ фикрлар билдирилди.

Халқимиз учун жуда муҳим бўлган масалаларда давлат зиммасига масъулият ва мажбурият юкланаётгани, бу Конституция даражасида кафолатланаётгани партияимиз электротарининг катта ютуғи бўлган. Мазкур қоидалар ҳаммамиз учун жуда муҳимдир.

Шу кунга қадар жойларда Халқ демократик партияси ташкилотлари, депутатлар, фаоллар ташкилотчилигида ўтказилган минтага яқин асосий тадбирларнинг барчасида аҳоли вакиллари фаол иштирок этди. Учрашуларда доно халқимиз вакилларида кўп фикрлар, тақлиф ва ҳулосалар оляпмиз. Умуман олганда, янги тахрирдаги Конституцияга қизиқиш, уни ўрганишга иштиёқ катта.

Ишонимки, янгиланаётган Конституцияимиз янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий таянчи, халқимиз бирдамлиги ва фаровонлигининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

ҲАР БИР МАСАЛАГА УЛАРНИНГ БУГУНГИ АҲАМИЯТИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ЁНДАШИЛДИ



Олий Мажлис Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлисининг иккинчи кунини ҳам қизгин баҳс-мунозаралар ва муҳим воқеаларга бой бўлди. Хусусан, қўриб чиқилган ҳар бир масалага уларнинг бугунги кундаги аҳамияти нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашилди. Сенаторлар мазкур жараён ва уларнинг айримлари хусусида шундай фикр билдирди.

Муносабат

Эркин ҒАДОЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси раиси:

— Бугунги кунда оламда кузатилаётган жадал жараёнларга мос ҳолда жаҳон молиявий хизматлар бозори ҳам турли зиддиятлар остида кечаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу эса банк секторининг барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлаштириш даражасини ҳамда ресурс базасини ошириш, соҳага чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қўшимча ҳуқуқий шарт-шaroит яратиш заруриятини кун тартибига олиб чиқди.

Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан маъқуланган "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонун ана шу ҳаётий зарурат тўғрисида яратилган. У билан банклар устак капитали микдорини 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб 2025 йилнинг 1 январига босқич-ма-босқич юз миллиард сўмдан беш юз миллиард сўмга ошириб бериш тўғрисидаги талаблар назарда тутилмоқда.

Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси:

— Мамлакатимизда олиб борилаётган инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг ҳам салмоқли ўрни бор. Бунга Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тинглаш асосида яна бир қарра амн бўлди.

Утган йилда бу тузилма томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Масалан, Омбудсман томонидан фуқаролар муносабатлари ўрганиб чиқилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан давлат органлари, ташкилотларга муносабатларини қозилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан ҳулоса, тақдирнома ҳамда фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, судларга даъво аризалари киритилган. Натижада фуқаролар ва тадбиркорлар фойдасига 2 млрд. 372 млн. сўм маблағлар ундирилиши белгиланган.

Сенаторлар томонидан айтиб ўтилганидек, шу каби ютуқлар билан бирга муайян камчиларга ҳам йўл қўйилган. Айниқса, қўлланма тартиб чораларининг натижадорлиги, Ягона онлайн платформа орқали келиб тушган му-

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси ўринбосари:

— Юрtdошимизда миллий урф-одатларимиз, тарихий ёдгорликларимизни осоратқиларимизни кўз қорачиқдек асраб-авайлаш ва уларни келгуси авлодларга ўз ҳолича етказиш чоралари қўриб келинаётгани барчамизни қувонтириши, табиий.

Сўз юртилаётган маънавий меросимизни асраб-авайлашда музейларнинг ҳам муносиб ўрни бор. Бу маънасаалар халқнинг маънавий дунёсини бойитиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ҳам алоҳида ўрин тутади.

Шу маънода, сенаторлар томонидан қўриб чиқилган музей ашёлари ва коллекцияларини сақлаш ҳамда уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш чоралари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигига парламент сўрови юбориш масаласи низоҳатда долзарб аҳамият касб этди, десак, муболага бўлмайди.

Айтиш жоизки, мазкур масала давлатимиз раҳбари ҳузурида ҳам бир неча мартаба муҳома қилиниб, соҳадаги айрим жиддий муаммоларни қайт этган ҳолда доимий ўрганиш ва назорат олиб бориш ҳамда халтов ўтказиш юзасидан мутасаддиларга тегишли вазифалар белгиланган.

Борий АЛИХОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитаси раиси:

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда Орол денгизини қуриши натижасида минтақада юзага келган ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этишга жиддий бел боғланди. Бунинг сўнгги етти йилда Президентимизнинг Қорақалпоғистонни комплекс ривожлантиришга қаратилган 30 дан зиёд Фармон ва қарорлари қабул қилинганлиги мисолида ҳам қўриш мумкин.

Албатта, шу ҳужжатлар ижроси доирасида Оролбўйида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар назоратини юритиш, парламентимиз, жумладан, Сенат зиммасига катта масъулият юклайди. Шу боис минтақада амалга оширилган ишлар юзасидан ҳуқуқимиз парламент сўрови юборилиб, унинг натижалари Сенатнинг 33-ялпи мажлисида муҳома қилинган ҳақида юқори палатанинг тегишли қарорини қабул қилинган эди.

Айтиш жоизки, Сенатнинг ушбу қарори ижроси юзасидан Вазирилар Маҳкамаси, мутасад-

Мазкур меъёр, ўз навбатида, банк тизимининг халқор стандартларга асосланган пруденциал меъёрлари, хусусан, банкнинг молиявий оқимлар мутаносиблиги, тўлов қобилияти, ликвидлиги ва рентабелли фаолиятини сақлаб туриш учун маблағлар етарлигини таъминлайди.

Банкларнинг устак капитали қўшимча инвестиция жалб қилиш орқали оширилиши уларнинг аҳоли ва тадбиркорларга қўшимча 17 трлн. сўм кредит бериш имкониятини яратди. Айни чога банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ва ресурс базасини қўпайтиришга, иқтисодиётни таркибий ўзгариш жараёнида уларнинг иштирокини кенгайтиришга хизмат қилади.

рожаатлар билан ишлаш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш, етим болалар ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш йўналишларидаги фаолият етарли даражада ташкил этилмаган.

Омбудсман фаолияти билан боғлиқ яна қатор камчиликлар борки, биз уларнинг барчаси ҳақида тўхталмоқчи эмасмиз. Аксинча, унинг фаолиятини яхшилашга хизмат қиладиган тақлифларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз:

* фуқаролар муносабатларини, шу жумладан, Ягона онлайн платформа орқали келиб тушган муносабатларни ҳар томонлама ва ўз вақтида қўриб чиқиш ҳамда муаллифларга асосли жавоб хати бериш орқали тақорий муносабатларни камайтириш керак бўлади;

* энг кўп муносабат йўлланган ҳудудлардаги муаммоларни таҳлил қилиб, муносабатларни камайтириш бўйича тегишли чораларни белгиллаш ва бу борада минтақавий вакиллар фаолиятини ошириш талаб этилади;

* "Омбудсман мактаби" лойиҳаси доирасида тарбиёт тадбирларини янада кучайтириш ҳам айни муддаодир;

* қолаверса, етим болалар ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг оила-лари ва болалар мувоасасаларига тўлиқ жойлаштирилиши устидан тизимли назорат ўрнатиш ҳам низоҳатда муҳим.

Кўмита томонидан музей ашёлари ва коллекцияларини сақлаш ҳамда уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ҳолати ўрганилди. Маълум бўлишича, айни пайтда юрtdошимизда 48 та давлат музейи ва уларнинг 73 та филиали бўлиб, уларда 2,5 млн. ашё ва коллекциялар сақланмоқда. 6 та нодавлат музейида эса 25 мингга яқин ашё ва коллекциялар мавжуд.

Ўрганишларимиз натижасида соҳада ютуқлар билан бир қаторда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар борлиги ҳам аниқланди. Масалан, соҳани тартибга солуви норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда номбувоқифликлар борлиги оидинлашди. Маданий мерос агентлигини соҳа бўйича ваколатли орган сифатида қонун билан белгиллаш зарурати ҳам мавжуд.

Умуман олганда, бу борада талайгина камчиликлар бор. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигига парламент сўрови юборилган бўлди.

ди вазирилик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан муайян ишлар бажаришган. Жорий йил 1 март ҳолатига "Йўл харитаси"да белгиланган 71 та тадбирдан 52 таси тўлиқ бажаришган, қолган тадбирларнинг ижроси давом эттириляпти.

Масала ўта жиддийлигидан келиб чиқиб, ялпи мажлисда сенаторлар томонидан ушбу жараённи назоратда қолдириб, Ҳукумат томонидан 2023 ва 2024 йиллар якунлари бўйича Олий Мажлис Сенатига қарорнинг ижро қилиниши бўйича умумлаштирилган ахборот тақдим этиш, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгашига мазкур "Йўл харитаси"нинг 1-иловасидаги тадбирлар ва 2-иловасидаги инновация лойиҳаларнинг амалга оширилиши таъминлаш бўйича қўрилаётган чоралар устидан қатъий назорат ўрнатиш ҳамда қарор ижросини назорат қилиши парламент юқори палатасининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология кўмитасига юклатиш тақлифи киритилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси кўмита раисининг ўринбосари Шухрат Ҷўлиевга падари бузруквори вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади. АСҚАР отанинг

ФИНЛЯНДИЯ МЎЪЖИЗАСИ

УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН МАНФААТЛИ ЖИХАТЛАРИ НИМАЛАРДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА?



Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ, Халқаро Нордик университети ректори, профессор.

Таълим — ривожланишнинг тамал тоши

Таълимдаги ютуқларни Финляндия тарққийнинг ядроси, дейиш мумкин. Мазкур соҳада амалга оширилган ислохотлар мамлакат раванги янги босқичга кўтариш, фаровон ҳаётни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Финляндияда педагогик таълим ўтган асрнинг 70-йилларида бошлаб тузилган олиғ даражада олиб борилади. Айнан педагогик таълим бутун мамлакат бўйлаб олиғ ўқув юртлари кўпайишига туртки бўлган. Бугунги кунда фин мутахассислари Финляндия таълим сийсати бўйича маърузалар ўқиш учун турли мамлакатлардан таклифлар олади.

Ушундан ўрта мактаблар тенг ҳуқуқлилик омилларига асосланган. Жамият мактаб таълимини ташкиллаштиришда бирдек жавобгар саналади. Бошланғич ўрта мактабнинг вазифаси ҳар бир ўқувчини кейинги таълим муассасасида ўқишни давом эттириш учун етарли билим билан таъминлаш ва қўбиятини шакллантириб беришдан иборат. Халқаро таққослаганда фин ўрта мактаблари энг юқори натижаларни кўрсатади. Хусусан, PISA халқаро таққикотларида маълум бўлганидек, Финляндия таълимнинг ижобий натижалари ортда ўқитувчиларни тайёрлашга эътибор туради.

Педагогик мамлакатда доимо юқори обрўга эга. Ўқитувчилар "халқ маърифатчиси" дея алоҳида қадрланади. XIX аср ўрталарида илк халқ мактаблари очилган даврдаёқ Юваскола шаҳрида ўқитувчиларни тайёрлаш семинарлари ҳам ташкил қилинган.

Таълим масканлари йиллар давомида аграр Финляндияда чуқур маърифатли асос қуриш, мушакил давлат фуқароларини тарбиялаш, ҳўжалик фаолиятлари йўналиш ва турларини янги маълумотлар ҳамда билимлар билан таъминлаш вазифаларини аъло даражада удралади. Дарс бераётган фанини чуқур билиш, илмий исботланган маълумотларга таяниш, педагогик иш юритиш билан бирга психолог бўлиш, турли характерли ўқувчиларга бирдек мураббийлик қила олиш маҳоратини айнан фин муаллимларидан ўрганиш жоиз. Болани ўз орзулари рўёби сари тинмай ҳаракат қилишга илҳомлантира олиш фин ўқитувчиларига хос асосий хўсиятидир.

Финляндияда ушбу шарафли касб энг иқтидорли инсонларни ўзига жалб этади. Педагогларнинг илмий жиҳатдан тайёрлигининг ўзи етарли эмас. Олий таълимда илмий, амалий ва ахлоқий касб компетенцияси шакллантириб борилади. Таълимда ҳам назарий тайёрлиги, ҳам амалий билимлар билан бирга педагогик амалиёт давомида қўлга киритилган қўбиятлар берилади. Амалиёт бўлажак ўқитувчиларга тажрибали педагог бошқарувидан синф билан ишлаш ва фанларни ўқитиш услубларини чуқур ўрганиш имконини беради.

Педагогик маълумот олий маълумот талаб қиладиган бошқа фаолият турлари ҳам кенг йўл очиб беради. Яъни таълим дастурлари шундай ишлаб чиқилганки, у фақат педагогик талаблар билан чекланиб қолмайди. Ўқитувчи дипломига эга

гини ривожлантириш ва халқаро PISA таққикоти доирасида ўқитиш усуллари бўйича педагоглар маҳоратини ошириб бориш кўзда тутиляпти. Қолаверса, университет замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўникмасига эга кадрлар тайёрлаш орқали педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштиришга хисса қўшади.

Китобсевар халқ бугун энг бахтли

Таққикотлар, ҳаётини қузатувлар уйда китоб қанча кўп бўлса, болалар ҳам улардан шунча кўпроқ фойдаланишини кўрсатмоқда. Эътироф этиш жоизки, фин уйларида Европа бўйича ўртача кўрсаткичдан анчагина кўпроқ микдорда китоблар сақланган экан.

Китоблар борлиги учун уларга талаб пайдо бўлади. Халқ китоб сўраган пайтда эса демократик жамиятда доим таклиф ҳам бўлади. Китоблар инсоннинг билими, маънавияти, касб-ҳўнари ва энг муҳими, бахтли, жамиятнинг эса моддий ва маънавий бой бўлишида муҳим омилдир. Бунинг яққол исботини Финлар ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Китобхонлик тарғиботига эътибор Ўзбекистон ва Финляндиянинг муштарак кадрларидан. Китоблар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланишида Финлардан бугун нималарни ўрганишимиз мумкин?

Финляндия шаҳар қишлоқларини айланиб юрүчи кўча клубхоналарни ўз ичига олган кенг тармоқда ривожланган кутубхоналар тизимига эга.



БМТнинг ҳажон мамлакатлари фаровонлиги даражасини ўлчовчи маркази — "The World Happiness Report" томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган Дунё давлатлари бахтиёрлик индексига кўра, олти йилдирки Финляндия энг юқори кўрсаткичда турибди. Хўш, ушбу мамлакатнинг жадал тараққийети, одамларнинг бунчал бахтиёрлиги сари нимада? Жавоб оддий: мамлакатда йўлга қўйилган ижтимоий инновациялар, кишиларда юксак ахлоқ ва маданиятнинг қарор топгани Финляндия мўъжизасини яратган. Бу натижага эса юқори даражадаги таълим, билим ва китобхонлик орқали эришилган.

Европада сўроовнома ўтказилганда 15 та мамлакат ичиде Финляндия энг китобхон давлат, деб топилди. 5,5 миллион аҳолига эга мамлакат фуқароларининг 3,5 миллион нафариде кутубхона карточкаси мавжуд. Фин ўғил-қизлари сайёранинг энг кўп китоб ўқувчи болалари ҳисобланади.

Финлар учун бугун адабиёт ҳар қанонгидан ҳам яқин, билимлар жуда қадрли. 10 октябрь — Финляндияда сўз санъатини ҳажонга танитган Алексис Киви таваллуд тоилган кун ва "Фин адабиети кунини" сифатида кенг нишонланади. Бу сана финларнинг расмий байроғи кунини ҳам. Улар китобга жуда боғланиб қолган. Мамлакатда адабиёт, китобхонликнинг ривожланиши унга бўлган талабга боғлиқ, Финляндияда жуда катта талаб бор. Фин замонавий адабиётининг бугунги кўрсаткичлари, китоблар сотувидеги ҳолат ва нарҳларга назар солсак ҳам бунинг исботини кўришимиз мумкин.

Шимоллий Европа давлатида таълим сифати юқори, китоб ўқувчилар, зиёлилар кўп. Ёшларнинг турмуш тарзи уй — ўқитиш — кафе ва кутубхона. Катта ёшлиларнинг турмуш тарзи ҳам уй — ишхона — спорт зали ва албатта, кутубхона. Нега финлар кутубхонага боришга, хусусан, бадий асарлар ўқишга бунчалик қизиқади? Бунинг сабабларидан бири фин адабиётиде таъсир кучли, асарлар мураккаб тилда ёзилмайди. Аксарият асарлар қизиқарли, ранг-баранг сюжетларга бой. Болалар ёзувчиларни кўпроқ мотивация берувчи, фойдали иш, машғулот ёки касб танлашга қизиқтира оладиган даражада саргузаштга бой асарлар ёзишади. Шу боис китоблар болаларнинг кундалик ҳамроҳи.

Мактабларда ҳам болани китобхонликка қизиқтирувчи тизим мавжуд. Ёш авлод "Китоб ўқи, ўқимасанг, билимга эга бўлмайсан, келажакда яхши пул топа олмайсан", деган кўрқитувчи фикрлар билан эмас, балки табиий, объектив факторлар асосида китобга қизиқтирилади. Бола мактабда 9 йил давомида ўз вазифаси нима-

дан иборат эканлигини ўзи табиий тушуниб, ўқийди. Ота-оналар, устозлар томонидан болага ташқи таъсир ва босим ўтказилмайди, яъни бирор касбни эгаллаш тарғиб қилинмайди, шахсий ҳиссийлар билан ўзи қизиқан касбни танлашга шарт йратиб берилади, холос. Шунинг учун ўзи касб танлайди ва табиийки, уни ўрганишга интилиши максимал даражада бўлади. Бу — китобни ўзи истаб, онгли равишда қўлга олади, дегани.

Мутафаккирлар ҳикмати 3-4 аср яшаши мумкин. Лекин халқ иборалари минг йиллар давомида тилдан-тилга ўтаверади. Шу боис Финляндияда халқ оғзаки ижодини ўрганишга алоҳида аҳамият берилади. Бу эса ёш авлоднинг объектив равишда китобхонга айланиб боришида асосий турткидир. Ўтган асрнинг 60 — 70 йилларида иқтисодий қийинчиликларни мавжуд давлатнинг сўнги йилларда катта ютуқларга эришаётганлигининг сабабларига назар солсак, бу таълимга, ёшлар тарбиясига ва потенциал китоб ўқувчиларни кўпайтиришга қаратилган эътибор самараси эканини кўраимиз.

Финляндия адабиети, ўз навбатида, швед адабиётидан ҳам куч олади. Халқ асарларини икки тилда — швед ва фин тилида бемалол ўқишади. Швед ёзувчиларининг ижоди фин адабиети бойишига катта туртки бўлган. Фин адабиети намуналарининг аксарияти моҳитида бахтлилик, ўз ҳаётини розилик, марраларга эришишга интилиш гоёлари ётади.

Финлар ўз урф-одатларини қаттиқ ҳурмат қилишади. Февраль ойида ўқувчи-

ларга таътил берилади ва улар экстремал спорт тури билан шугулланишади, яъни оливайи чанги учиниша боради. Хар бир фин ўз фарзанди билан чанги учиниш жараёнини ўтказиб юбормайди, бу эса нафақат маданий ҳордиқ чиқариш, балки навқирон қалбда биргалликда қийинчиликларни енгиб, маррага интилиш тўғрисида тарбиялашда муҳим ўрин тутаети.

Фарзандларни ҳаёт қийинчиликларидан олиб қочмай, аксинча, уларни енгиб ўтишга ўргатиш — фин адабиётиде ҳам тарғиб қилинувчи асосий гоёлардан биридир. Яъни бадий асарларда ўқувчиларни иxtирочлик, ижодий фикрлашга ундаш, ҳаётнинг пасту баландларини англаш, қийинчиликлардан кўрқмаслик, мақсадлар сари олига интилишга руҳлантириш, мотивация тасвир устувор. Панд-насихатдан кўра кўпроқ вазиятнинг жонли акс эттириш, бой тасаввур қулиқчилик, бола табиий равишда китобга боғланиб қолади.

Таълимда ҳам шу жиҳат яққол акс этиб туради. Ўқувчига 1-синфдан "Сен математикани ўрганиб, иxtирочи бўлиб кетишинг керак", "Сен табиий фанларни ўқи, шифокор бўлишинг зарур", деб уни қилинга солгандан кўра, бу касбларга болани ўзида табиий интилиши шакллантиришга уру қаратилади. Бунда қўлланб ижтимоий лойиҳалар ҳам ёрдам беради.

Финляндияда китоб савдоси ҳам ривожланган. Йилига ўтказиладиган китоб ярмаркалари ноширларга катта даромад олиб келаети. Хар йили 20 миллиондан ошиқ китоблар нашр этилади.

Бугун дунё ёшларини ўз домига тортаётган интернет, ижтимоий тармоқлар нима учун финларни жалғимаяпти? Нега китоблардан узоқлаштира олмапти? Чунки Финляндияда китоб бизнеси интернет билан ҳамқадам, тезкор тараққий этмоқда. Замон талабларига мос ҳолда интернетда электрон китоблар савдоси ривожлантириляпти. Бу китобни қозғосиз шаклда ҳам ўқиш имконини беради.

Финлар билим олишда унинг манбасини жуда муҳим ҳисоблайди. Шу боис интернетдаги маълумотлардан кўра соатлаб вақт кетса ҳам китоблардан фойдаланишга. Бу борада нақадар сабрли эканликларига қойил қолиш мумкин. Маълумотларнинг ишончилигини аниқловчи мутахассислар ҳам фаолият кўрсатишади. Уларнинг фикрича, бугун китобдан ишончлироқ манба йўқ.

Икки мамлакатни боғловчи платформа

Фин таълим тизимини ўрганиш ва кенг жорий қилиш мақсадида ташкил этилган

Халқаро Нордик университети хар икки мамлакат ҳамкорлигини янги тенденциялар асосида ривожлантириш, таълим ва бизнес истиқболини таъминлашда ўзига хос платформа вазифасини бажармоқда. Ўтган қисқа вақт ичиде университет талабалар учун барча шарт-шароитни яратиб бериш, Финляндиянинг амалий фанларни ўрганишга бўйича тажрибаларини қўллаш, юртимиз таълим тизимига энг илғор фин педагогик ечимларини киритишга эришиди. Шунингдек, маҳаллий ва Финляндиянинг етакчи бизнес компаниялари билан алоқаларни йўлга қўйди ва ҳамкорлик лўамини кенгайтирмоқда.

Университет базасида юртимиз ва қўшни давлатлар педагогика илмий таққикот йўналишлари доирасида ўз малакаларини ошириб боришга. Ортирилган тажриба, қўникма ва салоҳиятларини амалда қўллаш имконияти яратилмоқда.

Университет нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё, Европа, Финляндия учун ҳам ўзаро манфаатли ташаббусларни илғари сурмоқда. Инсон капиталига эътиҳ сезган кўлба компаниялар томонидан бу ташаббуслар қўллаб-қувватланмоқда.

Таълим инсон ресурси, жамият ва давлат ривожланишининг пойдевори ҳисобланади. Айни жиҳат ҳисобга олинган ҳолда, Халқаро Нордик университети бошқа олиғ-гоҳлардан фарқли равишда академик фанлар ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро интеграцияни йўлга қўйди. Бу тизим тез фуқаруларга улкан самара беради.

Талабалар Финляндияда ҳам таълимни давом эттириш ва даража олиш имкониятига эга. Чунки таълим ва амалиётнинг маълум босқичи Шимоллий Европада олиб борилади. Бу эса юртимизда таълим соҳасида замонавий билим ва ўзига хос тажрибага эга юқори малакали кадрлар кўпайишида муҳим роль ўйнайди. Олийгоҳ нафақат Финляндия, балки Норвегия, Швеция ва Дания университетлари билан ҳам ҳамкорлик қилишни кўзлаган.

Хар йили Канаданин "Corporate Knights" маслаҳат компанияси томонидан "Global 100" деб номланган ҳажон рейтингиде Финляндиянинг қаторасига 5 та компанияси ("Neste", "Outotec", "Kesco", "Nokia" ва "Wartsila") юқори ўринларни банд этади. Ушбу рейтингга айланма маблағи бир миллиард АҚШ долларидан юқори бўлган, шунингдек, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ атроф-муҳитга минимал зарар етказадиган, юқори корпоратив маданиятга эга компаниялар киритилаети.

Мазкур омилдан келиб чиқиб, университет базасида Финляндия — Ўзбекистон расмий диоралари вакиллари, таққикотчи ўртасида вебинарлар, бизнес форумлар ўтказиш орқали тажриба алмашиш йўлга қўйилди. Университет ва бизнес субъектлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

Ўзаро масъулиятга асосланган меҳнат бозори модели

2022 йилнинг ноябрь ойида Халқаро Нордик университети ва "Saipr Group" МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўмагида юртимизда илк бор Ўзбекистон — Финляндия халқаро бизнес форуми ўтказилди. Унда икки давлат вазирлик идоралари, хусусан, "Nokia", "Reka Cables", "FinnPartnership", "Honka", "Kone", "Suokone" каби 30 дан ортиқ дунёдаги етакчи фин компаниялари

новация, таълим, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, сур ресурсларини бошқариш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби қатор соҳаларда жаҳонда етакчи ўринни эгаллайди. Ушбу мамлакат маҳсулотлар экспорти бўйича юқори кўрсаткичларга эга. Форум Финляндия ишбилармонларининг мамлакатимизда бизнес юритишга бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилди. Қўлай инвестициявий муҳит боис кўша лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

Финляндиянинг меҳнат муносабатлари ҳам хар жиҳатдан ўрганишга лойиқ. Триада — Финляндия меҳнат бозори модели. У урта энг муҳим таркибий қисмдан иборат: иш бериучи ташкилотлар ва инсон капитални учурчакнинг асосида ҳўлашган, унинг чўққисидан эса ҳўкумат жой олган. Бу учурчак меҳнат бозоридеги музокаралар жараёнида қарор қабул қилиш стратегик триадасини ташкил этади.

Эътироф қилиш жоизки, ўзининг самарадорлиги бўйича фин модели жуда муваффақиятли чиқди. Унда мамлакатнинг иқтисодиети, халқаро бозорлардаги рақобатбардошлик, шунингдек, ижтимоий ривожланиш эътиборга олинган. Халқаро иқтисодий форум томонидан ўтказилган таққикотларга кўра, ушбу тизим Финляндияни дунёдаги энг рақобатбардош мамлакатлардан бирига айлантди. Европа Иттифоқи томонидан ўтказилган таққикотларга кўра, Финляндия дунёда ахборот технологияларини ишлаб чиқариш ва фойдаланиш бўйича биринчи ўриндадир. Триада туфайли иш жойида таълим олиш тизимини ривожлантириш бўйича ҳам ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлди.

Триаданин ўзига хос хўсиятидан бири шуки, у жамиятга очиқ ва шарфоб бўлишга имкон беради. Шартнома бор экан, демек, у бажарилади. Натижада, ишонч даражаси ҳам ошади. Меҳнат бозори катнашчилари бир-бирларининг ва давлатнинг фаолиятини кўзатиб боришади. Бу Финляндиянинг нима учун коррупция энг кам мийил давлатлар қаторида эканлигига ҳам сабабдир. Финляндия триада ёрдамида аҳолиси Европада ўзини энг бахтлилар қаторида ҳис қилаётган, етакчи ижтимоий фаровон мамлакатлардан бирига айланган.

Шимоллий Европа давлатининг меҳнатга оид тажрибаларини ўрганиш мақсадида 2022 йил ноябрь ойида пойтахтимизда яна бир йирк форум ўтказилди. "Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясининг афзалликлари" мавзуга бағишланган ушбу анжуман Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро миграция ташкилоти томонидан қўллаб-қувватланди. Форум ташқи меҳнат миграцияси, унинг ташқи диверсификацияси, меҳнат муҳожирларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, глобал миграция жараёнларининг тенденциялари ва ҳаракатлантирувчи кучлари, миграция сийсатининг моҳияти ва самарадорлиги, ижтимоий соҳага таъсири каби асосий масалаларни муҳокама қилиш имконини берди.

Форум доирасида хар икки давлат ташкилотлари ўртасида турли келишувларга эришилди. Халқаро Нордик университети ва Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ўртасида ҳам ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, келгусида биргалликда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграцияси, меҳнат муносабатлари ва миграция жараёнлари



раҳбарлари ҳамда мутахассислари, шунингдек, ХАМК амалий фанлар университети вакиллари катнашиди. Нуфузли анжуманда етакчи фин компанияларининг тақдимотлари тингланб, илғор тажрибалари ўрганилди. Фин ва маҳаллий бизнес вакилларининг "B2B", "B2G" форматдаги уррашувлари ташкил этилди, тажрибалар алмашилди, қизгин муҳокама ўтказилиб, ҳулосалар қилинди. Ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланиб, келажакда истиқболли лойиҳалар бўйича келишувларга эришилди. Финляндия ахборот технологиялари, ин-

бўйича таққикотлар олиб борилади, талабаларнинг ўқув, касбий амалиёт ва стажировкалари ташкил этилади.

Шунингдек, университетда "Финляндия таълим келасини" ўтказилиб, Шимоллий Европа давлатининг Миллий таълим агентлиги билан Англашув меморандуми, Карелия амалий фанлар университети билан битим имзоланди. Университетда Фин тили ва маданияти маркази очилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон — Финляндия ҳамкорлиги янги тенденциялар асосида ривожланаётгани мевасидир.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 441. 18 225 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғос бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Гезетанимиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тажрибиятга келган қўбемалар таққиз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетаниннг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Гезета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдлафалади.

Гезетаниннг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турун кўчаси, 41. Ўза Якуни — 22.45 Тошпирилди — 00.15 1 2 3 4 5 6